

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИКАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИНГ «ЎЗОҚОВҚАТСАНОАТ» ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК КОНЦЕРНИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва аҳолига сотишни кўпайтириш, ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат моллари билан истеъмол бозорини тўлдирish, озиқ-овқат саноати корхоналари ва ташкилотларининг ишлаб чиқариш-хўжалик соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш асосида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон «Ўзоқовқатсаноат» давлат-акционерлик концернини қайта ташкил этиш ва унинг негизда юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган куйидаги мустақил хўжалик тузилмаларини ташкил қилиш тўғрисида озиқ-овқат саноати корхоналари ва ташкилотлари жамоаларининг тақдирлари қабул қилинсин:

«Ер-мой ва тамаки саноати корхоналарининг «Ер-мойтамакисаноат» уюшмаси;

кондитер, чой ва пиво-спиртсиз ичимликлар саноати корхоналарининг «Озиқовқатсаноат» уюшмаси.

2. Ўзбекистон «Ўзоқовқатсаноат» давлат-акционерлик концернини тизимга кирган давлат корхоналари ва ташкилотлари очик типдаги акционерлик жамиятларига айлантирилсин.

3. Белгиланган куйидаги «Ер-мойтамакисаноат» уюшмаси мой ва тамаки ҳомашесини харид қилиш, ўсимлик еги, маргарин маҳсулоти, совун ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи корхоналар ҳамда ташкилотларни ихтиёрийлик асосида бириктирилади.

«Озиқовқатсаноат» уюшмаси эса кондитер маҳсулотлари, чой, пиво, спиртсиз ичимликлар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сотиш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотларни ихтиёрийлик асосида бириктирилади.

4. Уюшмалар зиммасига куйидаги асосий вазифалар юклансин:

«Ер-мойтамакисаноат» уюшмаси зиммасига

Интеграциянинг бозор шакллари ривожлантириш, рақобатга бардошли маҳсулотни ўзлаштиришга қўмаклашиш, ташки иқтисодий фаолиятни кенгайтириш, ер-мой маҳсулотининг экологик хилма-хил соф ва сифатли турларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида қўшма корхоналар барпо этиш;

Замонавий техника, технология ва илгор тажрибани жорий этиш, мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш технология жараёнининг барча босқичларида чиқилмасиз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ноубудгарчиликнинг олдини олиш;

Уюшма таъсисчиларига маркетинг хизматини таъминлаш, турдош корхоналар билан тижорат қондаларига асосланган бевосита кооперация алоқалари ўрнатил ва шу асосда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишни кўпайтириш;

«Озиқовқатсаноат» уюшмаси зиммасига

Четдан келтирилган ҳомаше ва моддий-техника ресурсларини улгуржи харид қилиш ва уюшма катнашчиларига сотиш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва импорт маҳсулотлар ўрнига ўзимизда шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

Фолият кўрсатишининг бозор шароитлари уюшма корхоналари ва ташкилотларига ишни ташкил этишда, уларни мулкчиликнинг хусусий ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларида айлантиришда қўмаклашиш;

Озиқ-овқат ҳомашеси ва маҳсулоти ташки бозоридан ўзгаришларини ўрганиш, фирма савдосини ривожлантириш, хорижий шериклар билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатил ва бундай алоқаларни кенгайтиришга, қўшма корхоналар ва ишлаб чиқаришларни ташкил этишга доир тадбирларни амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонни рўйбега чиқаришга оид ташкилий тадбирларни қўшма тўтувчи қарор қабул қилсин.

6. «Озиқ-овқат саноатининг «Ўзоқовқатсаноат» концернини озиқ-овқат саноатининг Ўзбекистон «Ўзоқовқатсаноат» давлат акционерлик концернига айлантириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 майдаги Фармони ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 26 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Н. А. СЕМАШКО НОМИДАГИ ТИББИЙ ТИКЛАНИШ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада соғлиқни сақлаш, тиббиёт фанини ривожлантириш ва юқори малакали илмий ходимларни тайёрлаш ҳамда халқ саломатлигини муҳофаза қилишда самарали даражада усулларни қўллашга салмоқли хисса қўшаётгани учун Н. А. Семашко номидаги тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий текшириш институти Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ерлиги билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 26 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Н. А. СЕМАШКО НОМИДАГИ ТИББИЙ ТИКЛАНИШ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришдаги намунали хизматлари ва аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишга муносиб хисса қўшаётгани ҳамда жамоат ҳаётида фаол иштирок этаятгани учун куйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»
ЙУЛДОШЕВА Сайера Назировна — бўлим мудири
УМАРОВА Холмадон — болалар бирдашасининг раҳбари
Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ерлиги
АЛИОХУНОВА Мавжуда Юсуповна — бўлим раҳбари
АХРОВА Холмадон Саидқаримовна — бўлим мудири
ЗУБОВА Лидия Зокровна — ҳамшира
МУСАЕВА Матлуба — катта ҳамшира
РАХМАТУЛЛАЕВ Ҳамидулла Убайдуллаевич — катта илмий ходим
СУЯРОВ Холжберди — бўлим мудири
ТОРКИНА Екатерина Степановна — шифокор

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 26 сентябрь

Н. А. СЕМАШКО НОМИДАГИ ТИББИЙ ТИКЛАНИШ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИГА

Азиз шифокор дўстлар!
Сизларни институтингиз ташкил топганига 75 йил тўлиши муносабати билан самимий табриклайман.

Ҳаётдаги энг мўътабар неъмат — инсон сийҳат-саломатлигини қўриқлаш, дардманд дилларга малҳам бўлиш, толиққан юракларга мадад беришдек олий шараф сизларга насиб этган.

Сизлар меҳнат қилаётган институт кўп йиллар давомида минглаб ватандошларимиз учун нажот рами, ҳақиқий шифо маскани бўлиб келмоқда.

Ишончликомил, мустақиллигимиз мустаҳкамланаётган ҳозирги — масъулиятли даврда жамоангиздаги ҳар бир шифокор

ўзининг врачлик қасамедега ва касб одобига содиқ қолиб, юксак инсоний бурчини фидойилик билан амалга ошириб бораверад.

Сизнинг ватанга меҳр-муҳаббатингизни, улуг қасбингизни кўз қорачигидек эъозлашингизни азиз дийрмигизнинг порлок истикболини яқинлаштирувчи энг муҳим омиллардан деб ҳисоблайман.

Сизларга сийҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайман. Савобли ишларингизда доимо зафарлар ер бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
1994 йил 27 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни қўмитаси ҳудудий бошқармалари бошчиликларининг мақоми ва масъулиятини ошириш тўғрисида

Мулкчилик шакллари қайта ўзгариши жараёнлари чуқурлашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни қўмитаси ходимларининг масъулиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитаси ҳудудий бошқармалари бошчиликларининг мақоми бўйича тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосарига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарларига тенглаштирилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бозор тузилмаларини шакллантириш ишида давлат мулкни қўмитаси органларига ёрдам берсинлар, бу жараёни самарали амалга ошириш учун зарур шароитлар яратсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош Вазирнинг ўринбосари В. А. Чжен зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 27 сентябрь

ТЕЗКОР ГУРУХ ХАБАР ҚИЛАДИ:

33-40-48, 33-70-10

• Биринчи хушхабар

13 КУНДА БАЖАРИШДИ

Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номи жамоа хўжалигининг Аширмаг Каримов бошчилик қилаётган 12-бригадаси азозлари 13 иш кунда давлатга пахта топшириш режасини бажардилар. 81 гектар майдондан ўртача 26,5 центнердан ҳосил олинди. Жами 215 тонна «оқ олтин» топширилди. Ушбу муваффақиятга механизаторлар Алижон Холмираев, Нурумухаммад Турдиевлар муносиб улуш қўшилди, ҳар бирлари 90 тоннадан пахта териб беришди.

Шунингдек, теримчилар ҳам баракали меҳнат қилдилар. Хуриниса Усмонова, Рукия Валиматова, Насиба Усмоновларнинг ҳар бирлари уйган хирмон 3-4 тоннадан ошиб кетди. Айни кунларда бригада далаларида йнгим-терим кизгин давом этмоқда.

М. БОЗОРАЛИЕВ.

“ОҚ ОЛТИН” ХИРМОНИГА ВИЛОЯТ ТУМАНЛАРИДА 1994 йил пахта тайёрлашининг бориши тўғрисида 27 сентябргача бўлган МАЪЛУМОТ (режага нисбатан фойз ҳисобида)

Туманлар	бир кунда	шу жумладан терилгани		
		мавсум бошидан буён	мавсум бошидан	
Чиноз	2,90	26,19	1,91	8,14
Янгийўла	2,48	20,28	1,61	3,97
Куйичирчиқ	3,83	19,51	3,36	14,94
Ўқорчиқ	4,05	19,24	3,36	15,29
Бўка	2,39	18,27	1,14	3,50
Пискент	1,82	17,96	0,64	2,15
Бекобод	1,49	15,31	0,10	0,10
Ўртачирчиқ	3,10	15,06	3,38	10,31
Оққўрғон	2,50	14,90	1,57	4,40
ВИЛОЯТ бўйича	2,63	17,77	1,83	6,54

• XII ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ХИРОСИМАГА ЖЎНАШ ОЛДИДАН

26 сентябрда республика Вазирлар Маҳкамасида Хиросимада бўладиган XII Осие ўйинларига жўнаб кетаётган Ўзбекистон спортчилари делегацияси билан учрашув бўлди.

Бош вазир А. Муталов сафар арафасида спортчилар, мураббийлар, мутахассислар ва федерациялар раҳбарларини қабул қилиб, уларга оқ йўл тилади. У еш мустақил давлатимиз вакиллари Осие китъасидаги бу йирик спорт муسابасида биринчи марта штирок этаятганини алоҳида таъкидлади.

Терма қомандамиз кўп миллиатлир Унинг сафида жиддий саралашдан ўтган, кўпгина халқаро муسابасаларда юксак маҳоратини намойиш этган 123 нафар энг кучли спортчи бор. Хиросимада ўзбекистонликлар спортнинг 23 тури бўйича штирок этади. Боксчиларимиз, полновларимиз, эшкак эшувчиларимиз, гимнастикачиларимиз, мергалларимиз, штангалларимиз муسابасаларда муваффақиятга эришишга катта умид болмоқда.

Республикамиз вакиллари олис Японияда Ўзбекистоннинг давлат байроғи кўпроқ хилларида, давлат мадҳиясини тез-тез янграши учун қўлларидан келган барча ишчи қилади, деб ишонамиз, — деди Бош вазир. У Осие ўйинлари катнашчиларига Президентимиз Ислом Каримовнинг энг яхши тилакларини етказди, уларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат.

Япониядаги муسابасаларда катта муваффақиятлар тилади.

Спорт анжумани катнашчилари номидан Миллий олимпиада қўмитаси президенти, Ўзбекистон Республикаси давлат спорт қўмитаси раиси С. Рўзиев, спорт устаслари Р. Эргашев, И. Исоқова, республикада хизмат кўрсатган мураббийлар А. Дин, Ш. Капкаев сўзга чиқиб, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш хусусида қилаётган гамжурликларни учун республикамиз Президенти ва ҳукуматига миннатдорлик билдирилди, Хиросимадаги Осие ўйинларида мамлакатимиз спорт байроғини банд кўтарамиз, деб ишонтирилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов штирок этди.

(Ў.А. мухбири)

Ярим тунда XII Осие ўйинларига жўнаб кетган Ўзбекистон терма жамоаси сафида виллоятимиз вакиллари ҳам бор. 23 нафар спортчимиз ана шу улкан анжуманда штирок этадилар. Боксчиларимиз, ўткир Сиддиқов (Янгийўла), Фарход Бакиров (Ўртачирчиқ), велоспортчи Фотима Гаулиева (Тошкент райони), енгил атлетикачи Рамил Галиев (Янгийўла), дзюдочи Дмитрий Соловьев (Чирчиқ), эркин курашчи Абдор Зуфаров (Олмалик) ва бошқа спортчиларимизга Осие ўйинларида омад тилаймиз.

• ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ • ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

• АНГРЕН	• ПАРКЕНТ	• БЕКОБОД	• ОЛМАЛИК
БИРИНЧИСИ БИТКАЗИЛДИ	МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ	ТАЛАБАЛАРГА ЎРДАМ	КОРХОНАДА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ
ҚИШ ФАСЛИ бошлангани билан саноат корхоналарига етказиб бериладиган «зангори олов» миқдори кескин камайитиради. Улар газ ўрнига кўмир, мазут ишлатишга ўтадилар. Янги Ангрэн давлат туман электр станцияси ҳам кўпроқ шундай ёқилғи турларини ишлата бошлади. Чунки, «зангори олов» асосан коммунал хизмат кўрсатиш тармоқларига етказиб берилди.	Яқинда матбуотда юртдошларимиздан бир гуруҳи ҳукуматимизнинг юксак нишони «Жасорат» медали билан мукофотланганликлари ҳақидаги хабар эълон қилинган. Улар орасида парктентлик Аҳмад Таштоев ва Рихсвий Пармоновлар ҳам бор эди. Кунни кеча туман ҳокими муовини Ж. Маҳкамов тантанали равишда мукофотларни эгаларига топширди ва уларга бундан кейинги ишларида муваффақиятлар тилади. Шунингдек, медал мукофобларига 450 сўм миқдорда пул ҳам берилди.	«Шоликор» жамоа хўжалиги раҳбарлари ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ибратли ишни амалга оширдилар. Бу хўжаликда Олий ўқув юртларида ўқийётган йигит-қизларга ойига 150 сўмдан, техникумда ўқийётганларга 100 сўмлик стипендия тўлаш йўлга қўйилди. Албатта мактаб ўқувчилари ҳам эътибордан четда қолмадилар: аълочиларга 100 сўмдан стипендия тўламоқда. Ҳозирда ун бир нафар ўқувчи бундай имтиёздан фойдаланмоқда.	Олмалик кон-металлургия комбинатида ишчи-хизматчилар оилалари дастурхонини бойитишга қаратилган тадбирлар кенг кўлабда амалга оширилмоқда. Яқинда уларга довуларда етиштирилган балиқ — хуштам озиқ-овқат маҳсулоти етказиб берилди. Ошхоналардан ундан турли таомлар тайёрланипти, дўконларда бозордагига нисбатан анча арзон нархда металлургияга сотилмоқда.

• ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ • ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

САДОҚАТ ҚАСАМЁДИ

ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН!

«Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!» Ҳарбий қасамедининг бу якуновчи сўзлари ўтган яқинда кунини Ўзбекистон миллий хавфсизлик хизмати институтининг ўқув майдонида кетма-кет жаранглаб турди. Миллий хавфсизлик хизмати ташкил этилган куннинг уч йиллиги арафасида мамлакатимиздаги ноёб ўқув юртининг биринчи курс талабалари ўз мустақил мамлақати, халқи ва Президентига садоқатини баён этиб қасамед қилдилар.

Бу байрамга Республикамиз Президентини Ислом Каримовнинг матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон миллий хавфсизлиги органларининг шахсий таркибига таъриғи алоҳида тантана бахш этди. Юртбошимиз табриғида республика фуқароларининг ҳуқуқ ва

манфаатларини, конституцион тузумини, она заминининг ҳудудий яхлитлигини ва дахлсизлигини ҳимоя қилишда хавфсизлик хизматининг алоҳида ўрин эгаллаши таъкидлаб ўтилади.

Одатда ҳарбий интизом, тартиб ҳукм сурадиган бу навқирон ўқув юрти ҳудуди, ўқув биноларида алоҳида жонланган мавжуд эди. Биринчи курс талабаларини ҳаётларидаги муҳим воқеа — қасамед қилиш билан қутламоқ учун бу ерга уларнинг ота-оналари, яқинлари, ўқув юрти ўқитувчилари, миллий хавфсизлик хизматининг фахрийлари тўланди. Республика миллий хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари А. Раҳимбедриев барчани раҳбарият номидан қизгин табриқлади.

...Майдонда қотиб турган сафдан ҳарбийчасига қад келган йигитлар

бирин-кетин шаҳдам қадам билан чиқиб келишди. Улар ўз тақдирини она юртининг ҳимоячиси бўлишдек қадромона иш билан болгаган. Ўзбек ва рус тилларида тантанали қасамед сўзлари янгради.

— Институтига бу йил қабул қилинганларнинг учдан икки қисми маҳаллий миллат фарзандлари, — деди институт бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник Т. Камолов. — Бирок, Конституцияда кўзда тутилганидек, бизнинг ўқув юртида таҳсил олмоқчи бўлган ҳамда талловдан ўтган ҳар бир фуқаро, миллатидан қатъи назар, бизга талаба бўлиши мумкин. Имтиҳонларимиз бошқа олий ўқув юртларидагидан унчалик фарқ қилмайди. Бу йил атиги иккинчи марта талаба қабул қилилмоқда, аммо бу йилги қабул мавсуми ешлар ўртасида

институти учун кўзда тутилган таъбирлар, шунингдек, танланган бирон бир хорижий тилини тўла ўргатиш ўрин олган. Булардан топширганлар орасида республикамизнинг барча минтақасидан келган ешлар бор эди. Танловдан ўтган ешлар, мана, бутун қасамед қабул қилмоқда. Ўқишдаги дастлабки натижалар институтига ҳар томонлама тайёрланган, саводли ешлар кирганини, улар юксак даражадаги мутахассис бўлиб етиш имконига эга эканини кўрсатиб турибди. Биз бунинг учун барча шароитни яратиб берамиз.

Институт миллий хавфсизлик хизмати учун турли хилдаги мутахассис зобитлар тайёрлайди. Битирувчилар ҳарбий ҳуқуқшунос дипломига эга бўлади. Чунки, ўқув дастуридан ҳуқуқшунослик

• ОБУНА — 95

“ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ”ГА ЎЗИЛДИНГИЗМИ?

ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
Матбуот нашрларига ёзилиш мавсуми давом этмоқда. Улар орасида Сизнинг сеvimли газетангиз — “ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ” ҳам бор. Унинг 1995 йил 1 январидан мунтазам қўлингизга тегишини истасангиз, айни кунларда, алоқа бўлимлари, обуна қилиш пунктлари ва матбуот тарқатувчилар хузурига шойилинг. Улар сизларга обунани расмийлаштиришда малакали ёрдам кўрсатадилар.

Шунинг ҳам айтиш керакики, “ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ” дўконларга чекланган миқдорда чиқарилади. Устига устак, унинг эркин нархларда сотилиши сизга қимматга тушиши мумкин. Обуна бўлиб, газетангизга ёзилиб қўйсангиз, шубҳасиз, сиз ютасиз.

“ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ” нинг
бир йиллик обуна баҳоси — 264 сўм,
ярим йилга — 132 сўм,
уч ойга — 66 сўм.

“ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ” индексини эслаб ўтатиш — 64672.
КАДРДОН ГАЗЕТАНИНГ ОБУНА БЎЛИШИНИ УНУТМАН!

Б. АЛИМОВ,
(Ў.А.)

АЗИЗ ПАХТАКОРЛАР, АЗАМАТ МЕХАНИЗАТОРЛАР! ЧЕВАР ТЕРИМЧИЛАР ВА ҲАШАРЧИЛАР!

• "Оқ олтин" хирмонимиз тақдири, йилимиз кут-баракаси сизларнинг ҳозирги куч-ғайратингиз, шижоатингиз ва фидокорона меҳнатингизга боғлиқ. • Ҳозирги ганимат кунлардан оқилона фойдаланиб, суръатга янада суръат қўшайлик! • Қўл теримини янада кучайтириб, барча терим агрегатларини тўла қувват билан ишлатайлик. • Кунлик ўсишда олдинда бораётган Чиноз, Юқоричирчик, Янгийўл, Бўка, Қуйичирчик туманлари пахтакорларига тенглашинг!

ЮҚОРИЧИРЧИҚ:

БАРАКАЛЛА ДЕСА АРЗИЙДИ

ҲАР ҚАНДАЙ ишда ҳам муваффақиятнинг дастлабки омили иттиҳом ва ушқоқлик ҳисобланади. Бусиз қўлданга мақсада эришиб бўлмайди. Шу боис Юқоричирчик тумани ҳокимлиги мавсум олдидан аниқ режа шилаб чиқди. Унга мувофиқ дала меҳнатчилари, механизаторлар, хонадонлар орасида оммавий-ташқилий тадбирлар кучайтирилди, тарғибот кенг йўлга қўйилди.

Айнан бир пайкалнинг ўзидан вилоят шифохонаси (гурух раҳбари Эргаш Тукеев) теримчилари кунига ўртача 50-55 килограмдан, шифохонанинг Куралай Жомисов, Манзура Исмомова, Махсуд Тўрамурадов, Ханифа Аралбекова сингари хизматчилари 65-70 килограмдан терганлари ҳолда, Юқоричирчик тажриба заводи теримчилари (гурух раҳбари Султон Ташибоев) аранг 22 килограмдан термоқдалар. Пахта эса бодрокдек очилиб етди.

Туман рўномаси "Суръат"да ҳоким Мирзахўжа Қалқуллонинг пахтакор деҳқонларга, механизаторларга, кишлоқ ҳўжалик ходимлари ва барча аҳолига мурожаати эъло қилинди. Унинг мазмуни ҳар бир ҳўжалик, бригада, зевно аъзоларига етказилди.

Ҳўжаликнинг яна бир катор бригадаларида бўлди. Қайси бригадада бормалик, шинам дала шийлини, ораста, кент пахта куритадиган майдонлари мавжудлигини кўрдик. Бу жойларда механизаторлар учун бепул иссиқ овқат ташкил этилган.

Ийгим-терим мавсуми бошланиши биланок ҳокимлик маҳкамаси, бўлимлари ва бошқармалари раҳбарларидан иборат ҳўжаликларга таъинланган вакиллар фаол иш бошлади. Маъмурий маҳкамалар бошқаруви, фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, маҳалла кўмиталари раислари эса ҳудудлардаги меҳнатга яроқли кишиларни даладага жалб этиш билан шуғулланмоқда.

Гуруҳимиз туманнинг ҳар иккала ҳўжалигида бўлганда раҳбарлар пахта билан бирга бошқа экинларни ҳам егин сочинга қолдирмай, йиғиб олиш чораларини кўргаликларидан қониқиб ҳосил қилиди. Чунки, ўтган йили кўплаб сабзавот, картошка ва бошқа маҳсулотлар қор тагида қолиб, эл меҳнати зое кетган эди. Бу йил асосий эътибор пахтага берилгани ҳолда, риқ-рўзимиз — дастурхон нэмэ-матларини ҳам ўз вақтида йиғиштириб олиш, чорва қишлови йўриқсиз ҳам бугундоққ ўйлаш зарур эканлигини унутмаслигимиз лозим.

— Белинган тадбирларнинг амалий самараси қандай бўляпти? — сўради туман ҳокими.

— 52,5 гектар ердаги ҳамма пахтаимиз баракали бўлган, — дейди бригадир Э. Умаралиев меҳнатизор Иштиер Номозбоев машинада тараётган далага ишора қилиб. — Ҳар кунга 6 фойздан терелимиз. Худо хоҳласа, об-хаво қулай келверса, 5 октябрга режани ундаш ниятимиз бор.

— Эркин аканнинг бундай дедгани бежиз эмас, Иштиернинг отаси Рихсидов ака, акиси Дониер ҳар бири бригада механизаторлари, — дея тушунтирди бизга участка мудир Валерий Цой улар нариги пайкалнинг бошидан тушишган. Ҳар бири кунига бунерлардан 5-6 тоннадан пахта тўкимоқда.

"ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" ТЕКШИРУВ ГУРУҲИ.

Биз бригаданинг Ойхон Ҳўжаева, Орзул Шосолиева, Ҳўлбу Шодиева сингари теримчилари билан ҳам суҳбатлашдик. Улар кунига 65-70 килограмдан пахта теришмоқда. Ҳўжаликнинг Вячеслав Югай бошлик бригадасида 45 киши ишламоқда. Аъзолар сони ҳам шунча. Бригадир бир неча йиллардан буён 150-160 тоннадан пахта тараётган механизатор Абдулла Ҳолиқов ҳақида гапириб берди. Бу йил ҳам Абдулла 160 тоннадан кўпроқ пахта теришга аҳд қилибди. Гуруҳимиз бригадани бўлган кунга у бункеридан 6 тонна пахта тўкди.

— "Политотдел" жамоа ҳўжалигида ҳам туманнинг бошқа ҳўжаликлариданги каби механизаторларга тушлякка иссиқ овқат ташкил этилган. Чой мунтазам қайнаб туради. Ушқоқлик, яратилган шартлар туфайли терим суръати ҳўжаликка тобора ўсиб бормоқда. Дастлабки кунларда 1 фойз бўлган бўлса, ҳозир 6-6,5 фойзга кўтарилди.

Тумандаги Ийк ота номи жамоа ҳўжалиги раиси Ҳакимжон Умархўжаев терим ташвишлари билан далада экан. Бу ҳўжаликка қолхозчилардан ташқари, тумандаги 264-механизациялашган кўчма колонна, 5-автомобиль транспорт корхонаси, Юқоричирчик тажриба заводи, Ийк кишлоқ матбуот жамаиети, вилоят травматология шифохонаси ва бир катор ташкилотлар жамоалари ҳам теримга қўмақлашмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



Ҳўжаликнинг Раҳим Сотиволдиев бошлик бригадасида бўлганимизда ҳашарчилар кўрсаткичлари билан қизиқдик.



Кунга кеча туманимизда йиғим-теримга сафарбарлик ёмон аҳволда эканлиги ҳусусида газетда билдирилган фикрлар жуда ўринли, деб ҳисоблайман. Бу — биз ҳашарчиларга ҳам таълиқли. Пахтакорларимизга даладаги бор ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишга ҳиммат билан астойдил ердан кўрсатишимиз керак.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ТОГЛИ ҚОРАБОҒ муаммоси бўйича халқро конференция раиси Ян Элиассон Эрон ҳукуматиинг Тожикистондаги вазиятни барқарорлаштиришга қўшаётган ҳиссасини юқори баҳолади. Айтилганда у Эрон ҳукуматиинг тогли Қорабоғ жоғоросини ҳал этишда ҳам БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенети ҳам дала Россия Федерацияси билан ҳамкорлик қилишга чакирди.

Ҳозир 250 нафардан зиёд ҳамкасбларим билан "Мустақил Ўзбекистон", "Гулистон", Навоий ва Сегизбоев номи жамоа ҳўжаликлариди пахта терилим. Мавсумда Ватан хирмонига жами 350 тонна "оқ олтин" териб тўкишни ният қилганим.

ХИНДИСТОНнинг Гужатот штатидаги Сурат шаҳрида вабо касали тарқалди. Икки кун ичида 24 нафар киши вабонинг қурбони бўлди. Норасмий маълумотларга кўра, жами 60 киши ҳалок бўлган, ана шу даргада қалинган юздан ортиқ бемор шифохонага етказилган, деб хабар берди Рата-Тасс муқобули. Шаҳардаги барча жамоат масканлари ва ўқув юрталари епилган.

БИР ҚЎШИҚ БОР, АЙТИЛМАГАН...

Ижодкор ўқитувчилар анжуманидан

...АГАР ўқитувчи ўз касбини севса, фидойи бўлса, яна бунинг устига ижод билан шуғуллansa, бу — болаларнинггина эмас, жамаиятнинг ҳам бахтидир. Чунки муаллим қалбиди ижодкорлик руҳи табиий равишда у тарбиялаётган ўқувчилар юрагига ҳам ўтиб боради, улар дунёни эзгулик ва яратувчанлик кўзи билан кўра бошлайдилар.

АФРИКА қитъасида аҳолининг кўпайиб бориши ва озик-овқатнинг етишмаслиги минтақа давлатларини ташвишга солмоқда. Яқинда Жанубий Африка тараққет жамаиетига аъзо бўлган давлатлар 30 миллион АКШ доллари миқдориди озик-овқат жамғармаси ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Маблағ озик-овқат маҳсулотлари тақчиллиги сезилган минтақа мамлакатларига ердан бериш учун сарфланади.

КИРГИЗИСТОН Республикаси мусодара қилинган гиехванд моддаларни қайта ишлаб, улардан дори-дармон тайёрлашга қарор қилди. Киргизистон ҳукумати бунинг учун МДХнинг гиехванд моддалар устидан назорат ўрнатган бўйича доимий қўмитасидан рухсат олди.

ИТАЛИЯнинг шимолий шаҳарларидан бирида яшовчи Жанфранко Мерлини исмли йигит содир этган ўғирлиқни "Тиннесинг рекордлар китоби"га киритиш мумкин. У бир кечада шаҳардаги қўлгина каналзация қудуқларининг эилдек оғир чўян копкаларини қичик юк машинасида йиғиштириб олишга улгурган. Юқинг оғирлиги 1,5 тонна бўлган. Жанфранко копкаларини қўшни шаҳардаги темир-терас қабул қилиш дўконига сотаётган пайтда қўлга тушган.

(ЎЗА).

ЧИНОЗ

ЧИНОЗ пахта тазалаш заводи ва унинг жойлардаги тайерлов пунктлари тумандаги ўнлаб жамоа ҳўжаликларидан пахта ҳосилни қабул қилади ва қайта ишляди. Корхона жамоаси бу йилги мавсумга ҳам ҳар томонлама пухта ҳозирлик қўлди. Барча биналар, ишлятладиган асбоб-ускуналар сифатли таъмирланди, пахта бунтлари устига епильадиган брезентлар етарли ҳозирлаб қўйилди. Айтилганда барча касб эгаси бўлган ахта толовчиларнинг қисқа муддатли ўкуви ташкил этилиб, унда пахтани қабул қилишнинг янги тартиби ва сифатини белгилашнинг янги мезоқлари ўргатилди.

Чигитнинг шикастланмаслигига ҳам эътибор берилмоқда. Чунки у асосан уруғлик чигит ҳисобланади. Қўлда терилган "оқ олтин"дан олиняпти. Шундай қилиб келгуси йил ҳосилга ҳам ҳозирданок пухта замин яратилмоқда.

Бу йил ҳам пахтакорларимиз фидокорона меҳнат қилидилар, уларни не-не машаққатлар билан етиштирган "оқ олтин"ларини вақтида тежор қилиб қилиб бунинг бурчимиздир, — дейди корхона тайерлов бўлимининг бошлиғи Рашид Юсупов. — Шу сабабли йиғим-терим палласига тайергарликни барвақт бошладик. Бунда пахтанинг эртароқ етишяётганлиги ҳисобга олнди. Қисқаси, мавсумни шай бўлиб кўтиб олдик. Биринчи кунданок иш маромида бошланди. Ҳозиргача миңглаб тонна янги ҳосилни қабул қилиб олдик.

Ха, шу кунларда корхонанинг қайси бир цехида, қайси бир тайерлаш пунктида бўлманг, қизғин бораётган меҳнатнинг устидан чикасиз. Турли-туман машина-механизмлар бир зум ҳам тинмайди. Тиркамаларда келтирилган "оқ олтин" транспортер ленталарида бунтлар устига чиқариб берилмоқда. Ҳар бир бунт устида беш-олти чотлиқ киши уларни пешна-пеш текшираб жўлламоқда. Цехларда эса ажратиб олинган пахта толаси пресслаш бўлимига узатилиб, у ерта таланиб, омонларга тахланмоқда. Янги ҳосил толарларнинг дала бошлик тоналарини бурғиришчилар ва мижозларга жўнатишга киришляпти.

Завод ишчи-хизматчилари янги "оқ олтин"ни қайта ишляшни ҳам бошлаб юбордилар. Биринчи кунданок пахта хом ашесидан кўп ва сифатли тола ажратиб олиш юзасидан смелларор мусобақа бошляниб кетди. Унда Тошўлу Бобоев борчилик қилаётган смелла аъзолари ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Байналмиал жамоа меҳнати пухта ташкил этиш, ишлаб чиқариш технологияси талабларига тўла риқ қилиш, ҳар ким ўз вазифасини сиқийликдан бажаряётганлиги риқ ҳам ишла янги кўрсаткичларга эришмоқда. Ҳар смелла топшириқини бажаришга ўртача 106 фойз бўляпти. Ҳар гал 20 тонна ва ундан ҳам ошириб сифатли тола ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг ҳаммаси биринчи навларга қабул қилинмоқда.

Хаз, шу кунларда корхонанинг қайси бир цехида, қайси бир тайерлаш пунктида бўлманг, қизғин бораётган меҳнатнинг устидан чикасиз. Турли-туман машина-механизмлар бир зум ҳам тинмайди. Тиркамаларда келтирилган "оқ олтин" транспортер ленталарида бунтлар устига чиқариб берилмоқда. Ҳар бир бунт устида беш-олти чотлиқ киши уларни пешна-пеш текшираб жўлламоқда. Цехларда эса ажратиб олинган пахта толаси пресслаш бўлимига узатилиб, у ерта таланиб, омонларга тахланмоқда. Янги ҳосил толарларнинг дала бошлик тоналарини бурғиришчилар ва мижозларга жўнатишга киришляпти.

Пешкадам жамоа сўзининг улдасидан чикиш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Бу ерда ўзаро назорат йўлга қўйилган. Ҳар бир жараён қандай бажариляётганлиги мунтазам кузатилди. Ҳатто, ариманган нуқсонлар содир бўлса ҳам уни дарҳол баргафар этиш учун шойлиқни чоралар қўрилади. Бошлик айтмоқчи, қамчиликнинг қаттиқчилиги бўлмайди, шунинг учун уни тез пайлаб олиб, йўқотиш лозим, акс ҳолда қатталашиб кетиши мумкин.

Учқалла смелла ишловини пахта тозаловчилар ундан баҳраманд бўлмоқдалар. Албатта, ҳозирги шартда бу осон эмас, аунатгина маблағ талаб қилинади. Лекин, маъмурият ва касба уюшмаси қўмитаси барча жаражатларни ўз имкониятига олдилар. Бунинг учун етарли маблағ ажратдилар. Бундан ташқари, ҳар кунга жамоа аъзоларига бепул сут берилмоқда, имкониятга қараб ҳар гал арзон нарҳда қўл тарткилмоқда. Уларни қисқи сабзавот билан таъминлаш ҳам назарда тутилган.

Янги мавсум бошидан бери ўтган даврда беш юз тоннадан ортиқ сифатли тола олинди ва ҳаммаси биринчи навага ўтди. Айтилганда

Чигитнинг шикастланмаслигига ҳам эътибор берилмоқда. Чунки у асосан уруғлик чигит ҳисобланади. Қўлда терилган "оқ олтин"дан олиняпти. Шундай қилиб келгуси йил ҳосилга ҳам ҳозирданок пухта замин яратилмоқда.

ОКҚЎРҒОН

ЯНА СОВРИН ОЛАМАН

ПАХТА даласига меҳрим ўзгача. Ўтган йили шифокорлардан ташкил этилган 100 кишилик ээрбдор бригада сафиди 4 тонна пахта териб берган эдим. Мукофотга чиroyли хитой рўмоли ҳам олганман. Бу йил 5 тонна пахта териб, яна соврин оламан, деган аҳдим бор.

ЯНГИЙЎЛ

6 ТОННА ТЕРМОҒЧИМАН

М ЕН Ниезбош жамоа ҳўжалигининг 1-бригадасида ишляйман. Жамоамиз аъзолари бу йил 73 гектар ерда пахта етиштирдилар. Кунга кеча ҳаммамиз жам бўлиб ҳосилнимизни чамалаб кўриб, 200 тонна пахта топширишга сўз бердик. Ҳозирги кунда ана шу сўзимизнинг улдасидан чикиш учун ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб ишляяпмиз.

Ҳозир 250 нафардан зиёд ҳамкасбларим билан "Мустақил Ўзбекистон", "Гулистон", Навоий ва Сегизбоев номи жамоа ҳўжаликлариди пахта терилим. Мавсумда Ватан хирмонига жами 350 тонна "оқ олтин" териб тўкишни ният қилганим.

Жамоамиз ҳудуддаги меҳнатга яроқли жон борки, далага чикиб, пахта термоқда. Мен ҳам ўзимнинг имкониятимни чамалаб кўриб бу йил 6 тонна пахта теришга сўз бердим. Айтилганда кхирмонга 80—100 килограмдан ошириб пахта топширмоқдаман. Ганимат кунлардан иложи борича умумли фойдаланиб, сўзимнинг устидан қишқига астойдил ҳаракат қилганман.

Кунга кеча туманимизда йиғим-теримга сафарбарлик ёмон аҳволда эканлиги ҳусусида газетда билдирилган

Ҳўжалигимизда менга ўшшаган теримчилар кўп. Ҳар беш кунда улар билан ҳисоб-киتاب қилиб турилибди. Меҳнатимизга яраша рағбат кўрсатиляётганлиги ишга бўлган ихлосимизни оширмоқда, руҳлантирмоқда. Биз аминимизки, бу йил на фақат ҳўжалигимиз бўйича районимизда ҳам режа ошириб бажарилди. Эл олдиди юзими эруғ бўлади.

Манзура МАЪМУРОВА, Окқўрғон тумани марказий шифохонасининг ҳамшираси.

Р. РИХСИТЛЛАЕВА, Янгийўл тумани.

ПИСКЕНТ

КЎНГИЛ БОЗОРДА ЭМАС, ПАХТАЗОРДА БЎЛСИН

ПАХТАЗОР кўнгилочар ўйингоҳ эмас. Белига хўжақўригига этак тутиб, эгак оралаб юрган эмас, балки, дўхқоннинг машаққатли меҳнатини эъзоз тутиб, ҳиммат, қалб амри билан майдонга тушган кишилар ҳақиқий мардлар.

М ЕН Ниезбош жамоа ҳўжалигининг 1-бригадасида ишляйман. Жамоамиз аъзолари бу йил 73 гектар ерда пахта етиштирдилар. Кунга кеча ҳаммамиз жам бўлиб ҳосилнимизни чамалаб кўриб, 200 тонна пахта топширишга сўз бердик. Ҳозирги кунда ана шу сўзимизнинг улдасидан чикиш учун ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб ишляяпмиз.

Пискент туманидаги И. Ҳайдаров номи жамоа ҳўжалиги пахтазорларида ҳозир ана шундай ориятли кишилар фидокорона меҳнат қилишляпти. Жамоа аҳли пахта йиғим-теримини кўпга келган тўй санаб, ҳосил тақдирини ташвишда еппасига далага олтинишган.

Жамоамиз ҳудуддаги меҳнатга яроқли жон борки, далага чикиб, пахта термоқда. Мен ҳам ўзимнинг имкониятимни чамалаб кўриб бу йил 6 тонна пахта теришга сўз бердим. Айтилганда кхирмонга 80—100 килограмдан ошириб пахта топширмоқдаман. Ганимат кунлардан иложи борича умумли фойдаланиб, сўзимнинг устидан қишқига астойдил ҳаракат қилганман.

Бу йил хўжаликда 1280 гектар ерда пахта етиштирилди. Агар ҳар гектар майдондан режадаги 27,7 центнердан, жами 3260 тонна пахта йиғиб-териб олинса, 30 фойздан ортиқроғини эркин сота олиш ҳуқуқи хўжалик меҳнат аҳлига ҳозирги нарҳларда катта даромад беради. Биз пахтазорларини айлиниб юриб, бутун жамоа ана шу имтизони кўлга киритиш ниятида

Пахта йиғим-терими Азим Абдиев, Иброҳим Ҳайдаров ва Усмоқул Эшбековлар бошлик бригадаларда, айнакча, яши борапти. Уларда меҳнат беллашуви мутлақо янги асосда, намунали тарзда ташкил этилган.

Жамоа ҳўжалиги раиси Ҳолмурод Каримов бошқарув ишларида кўзи пишиган, эш бўлса-да, етарли тажрибага эга одам. Йилга тумандаги энг йирик "Пискент" жамоа ҳўжалигида ўн йилча касба уюшмаси раиси бўлиб ишлаган.

Жамоамиз ҳудуддаги меҳнатга яроқли жон борки, далага чикиб, пахта термоқда. Мен ҳам ўзимнинг имкониятимни чамалаб кўриб бу йил 6 тонна пахта теришга сўз бердим. Айтилганда кхирмонга 80—100 килограмдан ошириб пахта топширмоқдаман. Ганимат кунлардан иложи борича умумли фойдаланиб, сўзимнинг устидан қишқига астойдил ҳаракат қилганман.

— Меҳнатқаш одам, аввало, ўз меҳнати қарланаётганини билиши ва шунга яраша тақдирланиб бориши керак, — дейди у. — Акс ҳолда қизиқини меҳнатга бўлган қизиқини сусайиб кетади.

Бундан ташқари, пахта йиғим-теримида ақатнашяётганлар учун бошқа имкониятлар ҳам яратилмоқда. Пахта йиғим-теримида қатъий назорат ўрнатилган. Яқинда йиғим-терими ташкил этишда сусткашликка йўл қўйган бош ҳислот Анорқул Умрқулов билан бош муҳандис Абдуваҳоб Рафиков, бригада етакчиларидан Тоҳир Мамажонов ва Абдурахмон Абдуманоповлар жамоа ҳўжалиги бошқаруви қарори

Ана шу боисдан ҳар беш кунда одамларга терган астойдил меҳнат қилаётганлигини пайқайди. 550 нафардан зиёд жамоа аъзолари кунига 30-35 тоннага етказиб пахта теришмоқда ёки йиллик режанинг 5-6 фойзи миқдориди ҳосил тайёрлашмоқда.

Ҳўжаликда машина теримига ҳам пухта ҳозирлик қўрилди. Бугун эса, ҳосили эрта етилиб, пахтаси тўлиқ очилган айрим бригадаларда машина терими бошлаб юборилди. Механик-ҳайдовчиларнинг оилаларига ҳам ишга тушмасларидан аввал зарур озик-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Бу ишлар механизаторлар оила, рўзгор ташвишларидан ҳоли бўлсин, кўнгил бозорда эмас, пахтазорда бўлсин, деган мақсадда қилинди.

Тумандаги "Қуёш" мажмуининг мухташам саройида кун бўйи давом этган бахс-мунозаралар.

И. ТОШЕВ.

3. ЭРАЛИЕВА.

АЁЛ ОЛАМИ

...ОЛЛОХ ўзбек аёлига сабр-қаноатни, чидам-саботни, меҳнату-машқатни бошқаларга нисбатан кўпроқ улашганда назарида. У хисқатна умр давомида йўқин бор этишга интилади, оиласига хотиржамлик, турмушга тўқинлик излайди.

Бирок, ҳаёт икки-чиқирлари шу қадар кўпки, уларни бир-бири билан қилгунча Аёлнинг қирқ битта жони ҳам индай ингичка тортиди. Минг бир дардини ичига кўмиб, ўзини эмас, оиласини ўйлайдиган, фарзанди камоли учун сочини супурги қиладиган муқаррам аёлларни учратганида уларнинг келок кўллари кўзларимга сургим, поиларига тиз чўқим, мусофиро сўхбатлардан баҳраманд бўлиш келади. Ахир бир зумлик гийбатлардан холи давраларни, хасадлардан йироқ соф нигоҳларни, хусусатлардан нари осойишталикни қайси бир аёл юракдан соғинмайди дейсиз?! Лекин...

Менинг икки дунюман бор. Бирини ўқитувчи, бирини врач. Хар иккинсини ҳам оиласи ўзинга тинч. Уртанина кийинишди. Бир давралда тасодифан ўшалар ҳақида гийбат гапларни эшитиб ҳафа бўлиб кетдим. "Четкий" кийинишмасми...

Фаровонлик, чинакам бахтиёр турмуш учун ҳали кўп ишларни бажаришимизга тўғри келади. Шундай экан, аёлларга йўл бермоқ керак! Улар орасида шундай фидойилар борки, кўпинча дилга йўл топа оладиган, элга нафи тегдирган, элти ордин эргаштири оладиган... Уларга сўчмоқ керак!

СЕН БАЛАНД ТОҒ БЎЛГИН

инганинда сутдай пок бўлгансан, АЁЛ! Уша покнинг хурмати ўз қадр-қимматининг осмон қадар кўйишга ҳақинг бор. Яхши ҳам, ёмон ҳам Аёлга бош уради бу дунёда. Сен баланд тоғ бўлгин, тинчлик бўлқ бўлгин, ҳаёт учувчи тупроқ бўлгин, аммо ноқаслар ичидан хор бўлма. АЁЛ! Сен гўлсан! Кўзаларни ендирган, кўнгилларни лувлатган кўп-кўп гул! Ана шу гўзалнинг билан дилларни ет, тош қалбларни эзгуликка чорла!

Жонлантириш, кишлоқ аёллари фаоллигини ошириш вақти етди. Бу борадаги фаолият номигагина эмас, амада натижасини бермоғи лозим. Дунё сари талпиниб, ўз қадрини топиб бораётган мустақил Ўзбекистон хотин-қизларининг завоқ билан, ҳавас билан ишлайдиган, ўқиб ўрганадиган пайти келди!

Анора ХУДОЙҚУЛОВА, Оқдўғрон тумани.



Бахтингуз баркамол бўлсин. Даврон АХМАД олган сурат.

Қалбимда бир осмон бор БУ ДУНЁДА

Бу дунёда сизни дедим, дунеларга сизгадими. Эл оғзида эртақ бўлдим, рўёларга сизгадими. Кўзда қатра еш йўқ аммо қалбимда бир осмон бор, Осмонимнинг ноласидан дареларга сизгадими.

Кипригимнинг торларига сувратингиз осдим ман, Халел тортган кўларимни бўш кўкракка босдим ман. Ағер билди, билмадингиз баҳорда қор еққанин, Шу оқликка оқ қилинган исмигингизни ездим ман.

Унда кўрган тушингизни қароматлар беркитар, Бизга келар йўлингизни аросатлар беркитар. Сиз санамга ситидингиз, менга меҳрор бўлди ишқ, Дахрийликнинг даъвосини жароҳатлар беркитар.

Хур ешликка алла айтманг, авлиелар қўласин, Мен меҳрга ташна бўлдим, сизни юрак чўласин. Соҳимдаги икки оқ тор қафаласин—ўрасин, Очиримда йўқ бўлсангиз дунени хувиласин.

ХАЁЛЛАРГА ЭРК БЕРДИМ

Сенсиз хаёлларга эрк бердим яна Епнинг хотиринг чодирасин. Халел—довдираб югурган бола, Торқилар кечмишини дарпардасини.

Энг илик туйғуни юракка кўмдим, Лекин умид ҳали азодим! Телба хаёлларга эргашдим—қуддим, Телбаларни ҳеч қим гуноҳкор демас.

КЎЗЛАР

То тонгтача хотин туғнинг Кўйлагини ечиб қўйдилар. Ахир, кўзлар қотил эмасдир, У саргарош сир айтган қудук. Бу кўзларини ошкор этгани Ботир йўр-а, баҳодир ҳам йўр...

Моҳинисо КАМОЛОВА.

ЭЪЛОНЛАР

ҚОҒОЗ ВА ҚАЛИН ҚОҒОЗ ЧИҚИНДИЛАРИ АТРОФ МУҲИТНИ ИФЛОС ҚИЛИШ АТРОФДАГИЛАР УЧУН ЭКОЛОГИК ЖИҲАТДАН НОХУШ ВАЗИЯТ КЕЛТИРАДИ. Айни вақтда макулатура етишмаслиги туфайли макулатурадан ўраш қоғози ва қалин қоғоздан юк жойлаш анжомларини тайёрлайдиган АНГРЕН КОРХОНАСИНИНГ КУВВАТЛАРИДА ТЎЛА ҲОЙДАЛАНИЛМАЯПТИ.

ХЎРМАТЛИ ЎЗБЕКИСТОН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИСИ ИЛТИМОС ҚИЛАМИЗ, ўзингиздаги мавжуд макулатурани ташлаб ёки ёқиб юборманг, қундалик эхтиж молларига алмаштириш ёки бир тоннага 700—900 сўм пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлаш эвазига

КОМБИНАТНИНГ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА ТОПШИРИНГ ТОВАРЛАРГА АЛМАШТИРИШ МЕЪЁРЛАРИ:

Салат ёғи	1 шиша	8 кг. макулатурага,
майонез 250 г.	1 шиша	4 кг. макулатурага,
индонезия чойи 50 г	1 шиша	2 кг. макулатурага,
"Армуто" вноси	1 шиша	7 кг. макулатурага,
куйлтирилган сут	1 банка	10 кг. макулатурага,
сирка	1 шиша	8 кг. макулатурага,
кпр совун	1 дона	2 кг. макулатурага,
атир совун	1 дона	2 кг. макулатурага,
филтрис "Астра" сиргари	1 пачка	2 кг. макулатурага,
болалар пайпоғи	1 жуфт	5 кг. макулатурага,
эркалар пайпоғи	1 жуфт	6 кг. макулатурага,
тиш ювиш пастаси	1 дона	5 кг. макулатурага,
"Экстра" чистола	1 дона	3 кг. макулатурага,
"Шахноза" шамлуни	1 дона	7 кг. макулатурага,
вазелин	1 дона	1 кг. макулатурага,
пайфал мойи	1 дона	2 кг. макулатурага,
"Регистон" кпр ювиш пастаси	1 банка	5 кг. макулатурага,
эркалар трусиси	1 дона	6 кг. макулатурага,
болалар трусиси	1 дона	3 кг. макулатурага,
аёллар трусиси	1 дона	4 кг. макулатурага,
эл. лампа	1 дона	2 кг. макулатурага,
болалар майкаси	1 дона	4 кг. макулатурага,
резина қалиш	1 жуфт	7 кг. макулатурага.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ПУНКТЛАРИНИНГ МАНЗИЛЛАРИ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ХАМЗА ТУМАНИ
6 — Динамо кўчаси, 22;
36 — Шолохов кўчаси,
52 — Маълоқ кўчаси;
25 — Бирлашкан кўчаси, 37/2;
60 — Лисун кўчаси;
77 — Гагабаринг 40 йиллиги мавзеси;
73 — Фаргона кўчаси;

МИРОБОД ТУМАНИ
24 — Мирсолихов берк кўчаси;
49 — Подемник кўчаси, 1;
71 — К. Цеткин кўчаси;
8 — Октябрь кўчаси, 22, тел. 91-08-62;

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ
10 — 26-маеве, тел. 72-02-89.

ОЛОЙ ВОЗОРИ
11 — Жарқўрғон кўчаси, 47, тел. 96-62-71;
12 — Маълоқ кўчаси, 1, тел. 36-06-10;

САМАРҚАНД ШАҲРИ
17 — Беруний кўчаси, 117, тел. 24-02-44, 24-21-36.

ФАРҒОНА ШАҲРИ 18 — Қувасой кўчаси, 61, тел. 4-60-73, КАТТАҚўРҒОН ШАҲРИ 19 — Толстой кўчаси, 121, тел. 6-22-48, КўҲОН ШАҲРИ 20 — Совет кўчаси, 62, тел. 2-31-91, ЯНГИЙўЛ ШАҲРИ 21 — Гагарин кўчаси, 1, тел. 7-60-64, АНГРЕН ШАҲРИ
1 — Навоий кўчаси, 22,
2 — Южий кўчаси, 43, АКТК ётоқхонаси,
3 — 5/5 маеве, 14-у.

2-ЯНГИЙўБОД ШАҲРИ 4 — Қурилиш ашёлар дўкони, НУРОВОД ШАҲРИ 6 — "Универсам" дўкони, БЕКОВОД ШАҲРИ 6 — 13-дўкон, ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ 7 — Тошкент кўчаси, БУКА ШАҲРИ 8 — Восаҳона, АНДИЖОН ШАҲРИ — Октябрь кўчаси, 14, тел. 5-41-43, УРҒАНЧ ШАҲРИ — Тел. 3-35-88.

"КАНОП" ЖАМОА КОРХОНАСИ

(Тошкент қаноп йигирув-тўқимачилик фабрикаси) КЕНГАЙТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ИШГА ТАҚАС ЭТАДИ:

тарайдиган (типадиган), лента қилдиган ва ип қалавалдиган машиналарнинг бошқарувчилар, йигирувчилар, тўқувчилар, Металл кесувчи ускуналарни таъмирлаш бўйича чилангар, Металл аралашмаларни валцовка қилувчи, 2000 СЎМ ВА УНДАН ОРТИҚ (максимал қилдорни чекланмаган) ИШБАҲ ҲАҚ ТЎЛАНАДИ.

Қуйидаги маълумотга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Крупская кўчаси, 8-уй. Телефон 55-89-75.

Сув қувурларини таъмирлаш, шунингдек 1994-1995 йил кўзги қилқи маусумга тайёрларлик ишлари олиб борилиши муносабати билан

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ИЧИМЛИК СУВИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ТРЕСТИ

5 ОКТЯБРЬ СОАТ 8.00ДАН 6 ОКТЯБРЬ СОАТ 8.00 ГАЧА ҚУЙИДАГИ ВОДОПРОВОД ТАРМОҚЛАРИДА СОВУҚ СУВ БЎЛМАСЛИгини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

КИБРАЙ ТУМАНИ БЎЙИЧА: "Турон", "Бурота", "Малангит" жамоа хўжаликлари, "Кибрай" давлат хўжалиги, "Красний Водопад" экспериментал базиси, "Селекция-генетик" станцияси, "Байтқўрғон" механизация колоннаси, Ш. Рашидов номи паррандачилик фабрикаси, Кибрай тумани матбуот жамиятининг нон комбинати; ТОШКЕНТ ТУМАНИ БЎЙИЧА: "Ўзбекистон" дам олиш уйи, "Ўзбекистон 50 йиллиги", "Навоий", "С. Рахимов", "Ғ. Абдуллаев", "Охунбобоев", "Умаров", "М. Фозилов" жамоа хўжаликлари, "Абдураҳмонов", "Тошкент", "Тулаби" давлат хўжаликлари, "Минвода" сыхатгоҳи ва шифохонаси, 1-туман шифохонаси, "Келес" автокорхонаси, Келес ОРМЗ, Тошкент тумани паррандачилик фабрикаси, "Саргон" станцияси, Сариевчидаги Темирбобоев давлат хўжалиги, Шедер номидаги НИИВС, "Сельхозкоммунизм" кичик корхонаси, "Среднеасхотам" илмий ишлаб чиқариш бирилмасми, "Ташовводоканал" НИИОБК институту.

Маълумот олиш учун телефон — 47-03-20.

ДИЛ САНДИГИ ЭНДИ КЕЧ

...МЕН қайнок ҳис, қучли эхтирос билан бир қилшини севиб қолгандим. Унинг оилади эканлигини, фарзандлари борлигини ҳам билардим. Билардим-у, буни тан олишини истамасдим. Кўзаларим, вужудим муҳаббат деб аталган аллақандай туйғу билан қолланган эди. У менга уйланди. Аммо у оиласини ҳам ташламади. Иккинчи хотин бўлиб унга турмушга чиқдим. Иккинчи хотин бўлиш — бу ўзинга ўзинг хиянат қилишиндир. Ҳафтанинг ярмида менинг олдимда бўлса, ярмида у екка кетарди.

Умид билан бир естикка бош қўйиб, фарзандларини биргаликда қатта қилиш ниятида турмуш кўрган эрининг бошқа бир аёл даргоҳида бўлиши — бу ўз қадр-қимматини биландиган хар қандай аёл учун доғежа эканлигини ҳис қилдим. Ҳафтанинг ярмида менинг кўр, қуллоқларим қар бўлиб хато қилганимни, биронинг эрини тортиб олиб, унинг фарзандлари насибасига шерик бўлиб, бир бечора аёлга жафолар қилганимни ангаддим.

Энди эса эринини биринчи хотинининг олдига боршига чндай олмайдим. У аёл-чи?! Ҳаммасини кеч тушундим. Иккинчи фарзандим бор. Баъзан иккита оила ўртасида "бўтинчинг моқисиди" сарсон бўлетган эринга ачинаман. Лекин, ўзим минг афсус, минг наломатлар билан "кўр муҳаббатни лавнатлайман. Мана, салкам қирқ ешадман. Ҳали-ҳануз шорининг ушбу сатрларини кўзимда еш билан хирғойи қиламан: Хар қилшининг ўзи сўйган ери бўлсин дунёда. Йўлларига қараб турган зори бўлсин дунёда.

Қилзорон, мен сизларга насихат қилмоқчи эмасман. Бирок, менинг тақдирим сизларга сабоқ бўлармикини, деган ниятда ушбу мактубни ёзганман. Халқимиздаги "Насибанг бутун бўлсин" деган тиланинг нақадар чуқур маънога эга эканлигини мен вақтида тушунмадим, сиз тушунган! Муҳаббатнинг яримтаси — бахтининг яримтаси, деган сўздир. Афсус...

МАНЗУРА, Олмалик шаҳри.

НИМА ҚИЛАЙ?

ЁШИМ йигирма еттида. Ўзинга тўқ оилада туғилиб-ўстаним учун халигача етишмовчилик нима-ю, ғамташвиш нималигини билмасдим. Ота-онам оғзимдан чиккан нарсани ҳаммиса муҳайе қилишарди. Лекин... бунчалар "меҳр-муруват" учун бутун улардан миннатдор бўлмайман.

...Мен ешликдан ичиш-чекишга ўрганганман. Давраларда "қиттақина" деб узилган қалаҳларни ҳеч қайтармаганман. Гоҳ пинҳон, гоҳ ошқора чет эл ситаретларини чекканимда уйдилар "Бу қанақаси? Асли сен ўғилбола бўлиб туғилганин керак эди" деб номигагина тергаб қўйишарди. Бора-бора чекмасга туролмайдиган бўлиб қолдим. Ўзим сезмаган ҳолда напас-пасткамда чекиб юрадиган қилларнинг даврасига қўшилдим. Назаримда энг завқли ҳаёт бизники эди ўшанда.

Отам мансабдор одам бўлгани учун у билан қўла бўлишни истаганлар талағинга эди. Бу кетишимда "қир балони бошлашимга" кўз етган отам совчилардан бирига розилик бериб юбордилар. Тўй ўтди. Агар турмуш ўртоғим тарбияли, мағрур йигит бўлмаганда балки ишаш менга бунчалик оғир туюлмайдими?! У ҳам менга отанасининг раийни қайтаролмагани учунгина уйланди эди.

Тўйдан кейин ҳам анча вақтгача ситаретнинг ҳумори тўтиб, ўзимни қўярга жой тополмай юрдим. Иккинчи топкамда ширинча чекдим ҳам. Бирок, орандан йил ўтиб, фарзандли бўлганимда нақадар жоғеали қисматга ҳужор бўлганимни англаб етдим. Болам ноғирон тўғилди. Дуоир уч ешдан ошган. Ҳозиргача гавдасини тутолмайди. Гапиринишга ҳам ҳаракат қилаётгани йўқ. Қарамтаган жойимиз қолмади. Ҳаммаси бенафс... Энди менинг гуноҳларим қурбони бўлган бечора болагимизга термулиб кўз еш тўқийдиган бошқа чорам йўқ. Утишимдан бехабар турмуш ўртоғим бир мента, бир ўғлимга қараб азоб чекади. Билмайдиким, ҳаммасига елгиз ўзим айбдориман.

Ҳозир яна ҳомилдориман. Иккинчи фарзандим ҳам шундай тақдир билан дунёга келса-чи? Йўқ-йўқ, бўшай бўлишини истамайман. Менга соғлом фарзанд керак! Мента оқ йўл тиланг, ахшилар!

ФЕРУЗА, Тошкент шаҳри.

Донолар бисотидан КИМКИ БЎЛСА ХУШ ЧИРОЙ...

ЁМОНЛИК қилган қилшдан ўч олиш қўлидан келса ҳам, унинг қилган ёмонлигини кечириб эзгу хулқларининг кўркамроғидир.

Ҳеч бир сабабсиз қулиш — нодонлик аломатидир.

Тўрт нарса тўрт нарсага муҳтож, яъни улуглик-адабга, шодлик-хотиржамликка, яқинлик-муҳаббатга ва ақл-тажрибага.

Бир доғиманд ўз ўғлига насихат қилиб айтиди: —Икки нарсаки мендан ол, сента керак бўлади: биринчиси, нимани сўзламоқчи бўлсанг, унга йилмасдан сўзлама, иккинчиси, нима қилмоқчи бўлсанг, тадбирсиз қилма.

Афлотун ҳаким айтиди: Агар душманиннг бирор иш тўғрисида сендан маслаҳат олмақчи бўлиб енингга келса, унга тўғри ва яхши маслаҳат бериб, ундан ўч олишини асло қўнглингда қилтирма. Унинг сендан маслаҳат сўраб келиши сен билан ошно бўлишни истаганидир. Инсонга лойиқ бўлган хайрихоҳлик шудир.

Байт: Кимки бўлса хуш чирою хуш қилиқ, Доимо кўргай жаҳонда яхшилик.

АРМОН (Бўлган воқеа)

Инобат опа ҳаётда анча қийинчиликларни кўрди. Отаси урушдан қайтиб келмади, онаси дарудан бўлишига қарамай жажжи Инобатни енига олиб, далада оғир бефарзанд ўлатипти-ла! Бу гапларни эшитган Туробнинг ҳам муомаласи ўзгара бошлади. Бунга Инобат чндай олмади. Шаҳарга тушиб опаси билан дарлашди, маслаҳатлашмоқчи бўлди. Опаси доно аёл, бир йўри кўрсатар.

—Синглим,—деди Фазилат аламини ютиб,—ажрашиб қўя

зуатишди. Фазилатнинг ҳам қўнгли таскин топди.

Аммо Инобатнинг бу қўнгликлари ҳам кам эканлиги, бефарзанд ўтишини қим ҳам ҳаёлига келтириб қўйди.

Инобат содда, меҳрибон, саботқатли аёл эди. Орандан йиллар ўтган сайн нафақат эрининг, қўнқилларининг танбеҳи ҳам уни қийнаб боради.

Боши естикка тегди дегунча худода фарзанд тилади. Дастурхонга фотиха тортиб "Худойим биргина тирноғингни мендан дари: тутма" дея елворди. Қўни-қўшни, қариндошлари фарзандли бўлса, йўқлаб боришга ҳижолат чекади. Гўдақни ундан

ширишайтандек туюлаверади йиллар ўтган сайн орқаваротдан гапириладиган гапларни энди ўзинга айтадиган бўлишди. "Шундай йигит бефарзанд ўлатипти-ла!" Бу гапларни эшитган Туробнинг ҳам муомаласи ўзгара бошлади. Бунга Инобат чндай олмади. Шаҳарга тушиб опаси билан дарлашди, маслаҳатлашмоқчи бўлди. Опаси доно аёл, бир йўри кўрсатар.

—Синглим,—деди Фазилат аламини ютиб,—ажрашиб қўя

зуатишди. Фазилатнинг ҳам қўнгли таскин топди.

Аммо Инобатнинг бу қўнгликлари ҳам кам эканлиги, бефарзанд ўтишини қим ҳам ҳаёлига келтириб қўйди.

Инобат содда, меҳрибон, саботқатли аёл эди. Орандан йиллар ўтган сайн нафақат эрининг, қўнқилларининг танбеҳи ҳам уни қийнаб боради.

Боши естикка тегди дегунча худода фарзанд тилади. Дастурхонга фотиха тортиб "Худойим биргина тирноғингни мендан дари: тутма" дея елворди. Қўни-қўшни, қариндошлари фарзандли бўлса, йўқлаб боришга ҳижолат чекади. Гўдақни ундан

коласанми? —Опажон, унинг уйи йўқ-ку, борар жойи ҳам, инсофсизлик бўлмасмикан?

—Бўлмасам эрингни уйлантириб қўйлик. Энди Фазилат кўз ешларини тутта олмади. Инобатнинг бир нуқтага тикилиб турганини кўриб "Бошқа вложимиз йўқ", деди опаси: Инобатнинг бошидан совуқ сув қуйилгандек бўлди. Бир дам ўзига келолмай қолди. Аммо, опасининг гапига жон бордек эди...

Кўшнлар дарлашди Хосият исми жувонини топшиди. 6 ешлик бир қизи бор экан. У ҳам рози бўлди. Инобатнинг ота-онасидан қолган икки хоналик уйнинг ўрта

Манзилмиз: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Мағбуотчилар кўчаси, 32.

Мухаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ